

БЕҲАД МИННАТДОРМИЗ

Биз ТТА Фаргона филиалининг битирувчи курс талабалари Г. Абдуҳакимова, С. Мамажонов, Г. Толипова, И. Жабборов, О. Мусаева, Х. Рўзиматова ва З.Ҳайдарова 2015 йил февраль ойида ТТА га келиб мутахассислик фанларидан маъруза ва амалиётларга қатнашдик. Ушбу вақт давомида биз, турли коммунал объектлар, тозалаш иншоотлари, ишлаб чиқариш объектлари, чинни ишлаб чиқариш корхонаси, МБМга, ТТА қошидаги академик лицей, шаҳар

ва туман ДСЭНМга, озиқ-овқат ишлаб чиқариш корхоналарига бордик.

Дарс давомида ТТАнинг илмий салоҳияти кучли, малакали профессор ва ўқитувчилар янги ўқув методлари асосида ДСЭНМ модулларидан фойдаланган ҳолда билим беришди. Бундай малака алмашинувларнинг самарали натижасини ўз иш фаолиятимиз давомида албатта татбиқ этамиз. Бизга билим бераётган барча устозларимизга ўзимизнинг самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз.

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Кафедра мудирлари:

ОМХ факультетга қарашли "Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш, фуқаро мудофааси курси билан" кафедраси

ОМХ факультетга қарашли "Тиллар" кафедраси

Доцентлар:

ОМХ факультетга қарашли "Жамоат саломатлиги соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш, фуқаро мудофааси курси билан" кафедраси

Тиббий педагогика факультетга қарашли "Патология" кафедраси

Даволаш факультетга қарашли "УАШ жарроҳлик" кафедраси

Катта ўқитувчилар:

ОМХ факультетга қарашли "Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш, фуқаро мудофааси курси билан" кафедраси

ОМХ факультетга қарашли "Ижтимоий фанлар" кафедраси

Тиббий педагогика факультетга қарашли "Педагогика ва психология" кафедраси

Хужжатларни қабул қилиш муддати танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида Тошкент Тиббиёт академияси ректоратининг девонхона бўлимига топширилади. Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.

Тиббий педагогика факультетга қарашли "Анатомия ва ОЖТА" кафедраси

Тиббий педагогика факультетга қарашли "Патология" кафедраси

Даволаш факультетга қарашли "УАШ жарроҳлик" кафедраси

Ассистентлар:

Тиббий профилактика факультетга қарашли "Тиббий ва биологик кимё" кафедраси

Тиббий профилактика факультетга қарашли "Травмотология, ортопедия ХДЖ ва нейрожарроҳлик" кафедраси

Тиббий профилактика факультетга қарашли "Халқ тиббиёти, реабилитология ва жисмоний тарбия" кафедраси

Тиббий профилактика факультетга қарашли "Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси" кафедраси

ОМХ факультетга қарашли "Суд тиббиёти" кафедраси

ОМХ факультетга қарашли "Ижтимоий фанлар" кафедраси

ОМХ факультетга қарашли "Ҳамширалик иши" кафедраси

Тиббий педагогика факультетга қарашли "Педагогика ва психология" кафедраси

Тиббий педагогика факультетга қарашли "Анатомия ва ОЖТА" кафедраси

Тиббий педагогика факультетга қарашли "Факультет ва госпитал жарроҳлик" кафедраси

Тиббий педагогика факультетининг "Юқумли ва болалар юқумли касалликлари" кафедраси

Тиббий педагогика факультетга қарашли "Психиатрия ва наркология" кафедраси

Тиббий педагогика факультетга қарашли "Онкология ва нур ташхиси" кафедраси

Тиббий педагогика факультетга қарашли "Травмотология, ортопедия ХДЖ ва нейрожарроҳлик" кафедраси

Даволаш факультетга қарашли "УАШ жарроҳлик" кафедраси

Даволаш факультетга қарашли "УАШ тайёрлаш ва эндокринология" кафедраси

Даволаш факультетга қарашли "УАШ педиатрия" кафедраси

Даволаш факультетга қарашли "Асаб касалликлари" кафедраси

Даволаш факультетга қарашли "Факультет ва госпитал терапия ички ва касб касалликлари" кафедраси



TIBBIYOTNOMA

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI NASHRI

№ 4 2015 YIL APREL



9 апрель – Амир Темур таваллуди кун

БУЮК АЖДОДИМИЗГА ЭҲТИРОМ

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида Соҳибқирон Амир Темур хотирасини эъзозлаш, ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганиш, тарғиб этишга доимо алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Анъанага кўра 9 апрель кун пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбонида Соҳибқирон таваллудининг 679 йиллиги муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда ёзувчи ва шоирлар, олимлар, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси раиси Н.Ҳабибуллаев, тарих фанлари доктори Д.Юсупова, шахмат бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, халқаро гроссмейстер Н.Мўминова ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида маънавиятни юксалтириш йўлида амалга оширилаётган улкан ишлар жараёнида Амир Темур мероси шижоат, мардлик ва адолат намунаси сифатида қадр ва эъзоз топаётганини таъкидлади. Бинобарин, Соҳибқирон кудратли давлат асосчиси, илм-фан, маданият ва маънавият ҳомийси, дунё цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган буюк бунёдкордир.

Амир Темур ва темурийларнинг давлатчилик, илм-фан, маданият, бунёдкорлик, бошқа соҳалардаги улкан ва бой меросини ўрганишга қизиқиш жаҳон миқёсида тобора

ортиб бормоқда. Юртимизда ва хорижда темурийларнинг дунё цивилизацияси равнақига қўшган улкан ҳиссасига оид кўплаб асарлар яратилмоқда, илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Булар Соҳибқирон шахсияти ва уни етиштирган замин, тарихий шарт-шароитга доир янги-янги қирраларни кашф этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолат-парварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак. Бобокалонимизнинг кудратли давлат, адолатли жамият барпо этиш, ўзаро ҳамжihatлик, бағрикенглик, барқарорлик, меҳр-оқибат муҳитини мустақамлаш, халқ фаровонлигини таъминлашга оид эзгу тамойиллари бугун Ватанимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг асосий мезонига айланган.

Давоми 2-бетда.

Тошкент Тиббиёт академияси ректорати ва касаба уюшмаси академиянинг ҳуқуқшуноси Исмоилова Раъно Восиқовнага укаси

Муҳаммадҷон САМИГОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Тиббиёт академияси ректорати ва касаба уюшмаси "Клиник фармакология ҳамда УАШ клиник аллергология кафедралари" собиқ кафедра мудир тиббиёт фанлари доктори, профессор

Рустам УСМАНОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS:
TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI

MUHARRIR
TURDIQUL
BOBOMURATOV


TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),
O.Hazratov, D.Hidayeva, D.Norgulov,
L.Abuqodirova.

Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahifalandi va Toshkent
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida
400 nusxada chop etildi.
Manzilimiz:
Toshkent shahri, Farobiy
ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun ma'sul
Q. Nizomov


Gazeta Toshkent Matbuot va axborot
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun
mualliflar javobgardir

Gazeta bepul tarqatiladi



Шифокорнинг виждони — беморнинг
дармонидир.



Яқинда Тери ва таносил касалликлари кафедраси томонидан 8 ТТЖда талабалар учун тарих фанлари доктори, профессор Э. О. Ахунжанов билан "Бизнинг мамлакатимизда хаттотлик ривожланиши, китобат" мавзусига бағишланган давра суҳбати ташкил қилинди.



ЭЗГУ ФИКР, ЭЗГУ СЎЗ, ЭЗГУ ИШ

Китоб ва китобат тарихи кам ўрганилган мавзу. Ушбу мавзу Ўрта Осиёнинг китобат ва ёзув маданияти тарихига бағишланган. Унда қадимги ва илк Ўрта асрларда бу минтақада қўлланилган оромий, хоразмий, парфий, бахтарий, сугдий, ўрта форсий, юнон, юнон-бактрий, манихей, авесто, эфталит, қадимги туркий, туркий-уйғур, сурёний-туркий, қхарошхи, брахмий "иссиқ" ёзув тизимларининг тарихий ривожланиш босқичлари, булар асосида юзага келган китобатчиликнинг етакчи тенденциялари фанда биринчи марта умумлаштирилган ҳолда ёритиб берилган ҳамда энг қадимги ёдгорликларнинг тавсифи келтирилди. Китобат маданияти тарихида рўй берган Авесто тўлиқ матнни китобийлаштиришнинг олти ҳолати (ушбулардан дастлабки учтаси Хоразм, Бактрияда амалга оширилган) кўриб чиқилади ҳамда қадимий Ўрта асрларга, зардуштийлик маданий дунёсидан мусулмон дунёсига ўтиш жараёнида ёзув ва китобат маданияти анъаналарининг ворисийлик йўллари очиб берилган. Алоҳида араб алифбесидида Ўрта аср кўлөзма китобларини таърифлаш ва безаш билан боғлиқ технологик жараёнлар таҳлил этилади.

Ёзув инсониятнинг энг буюк кашфиётларидан бири. Жаҳон миқёсида ёзув яратиш билан боғлиқ бир неча маданий минтақалар бўлган. Булар Месопотамия, Миср, Юнонистон, Ҳиндистон, Хитой, Туронзамин кабилардир.

Жаҳон алифбеси ёзув маданиятининг ривожига Туронзаминнинг ўрни алоҳида диққатга сазовор. Бу қадимий маданият ўчоғи ҳарф-чизма белгилари алифбеларни маҳаллий тилларга мувофиқлаштиришда ҳамда Ўрта ва Шарқ ўлкаларига ҳарф-товуш мослигига асосланган ёзувларнинг тарқалишида муҳим роль ўйнайди. Жумладан, миллоддан аввалги минг йиллик ўрталаридан бошлаб Туронзаминга кириб келган оромий ёзув графиги белгиларини такомиллаштириш ва маҳаллий тилларга мослаштириш натижасида хоразмий, сугдий, парфёни, бактрий каби ёзувлар

шаклланади. Фарғона водийсидаги халқларнинг ҳам оромий ҳарфларга асосланган ўз ёзуви бўлган. Асрларда сугд ёзуви асосида уйғур, мўғул, манжур ёзувлари келиб чиқди. Сугд тили ва ёзуви эса миллодий минг йиллик давомида халқаро муносабатлар тили ва ёзуви вазифасини ўтаган.

Туронзамин мазкур ёзувлардан ташқари яна бир қатор қадимий ёзувлар учун макон бўлган. Булар манихей ёзуви (моний дини жамоалари эҳтиёжига хизмат қилган), суроний ёзуви (қадимги шарқда тарқалган нестор мазҳабидаги христиан жамоаларига хизмат қилган) Ҳиндистонда тарқалиб, Турон ўлкаларида ҳам амал қилган брахми ва қхарошхи ёзувлари, юнон ёзуви ва бошқалар.

Миллодий VI ўрталарида Буюк турк хоқонлиги давлати ташкил топиши миллоднинг бошидан ривожланиб келаётган қадимги туркий ёзувининг оммавий тарзда қўлланилишига шароит яратди. Бу ёзув фонетик жиҳатдан энг мукаммал ёзувлардан бири бўлган.

Маҳаллий ёзув тизимлари араб истилосидан сўнг ҳам уч асрдан зиёд вақт мобайнида араб ёзуви билан параллель равишда ишлатилиб келинди. Ёзув маданиятининг мукамаллиги ва қадимийлиги туфайли аждодларимиз араб тилини ва араб ёзувини ўрганиб, ўзлаштириб, бу тилда жаҳонни лол қолдириб келаётган буюк илмий кашфиётлар қилишга, араб ёзувида 12 аср мобайнида кўчирилган ўз улкан миллий кўлөзма китоблар репертуарини яратишга қодир бўлганлар.

Жамиятнинг умумий тараққиёти муайян бир табақаси ёки муайян шахс онгининг ривожланиши жараёнида китоб маданий-тарихий мерос сифатида авлодлар ўртасидаги ворисликни таъминловчи тенгсиз ва ниҳоятда фаол муқаддас маънавий омилдир.

У.А. ТАШКЕНБАЕВА,
Тери ва таносил касалликлари кафедраси доценти
Н.С. ИБРАГИМОВА,
маънавият ва маърифат ишлари бўйича масъул

БУЮК АЖДОДИМИЗГА ЭҲТИРОМ

(Давоми. Боши 1-бетда.) Соҳибқирон ўз тузуқларида "Раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим. Ҳар ернинг табиати, ҳар эл ва шаҳарнинг расму одатлари, мизожидан воқиф бўлиб турдим. Ҳар бир ўлка ва шаҳар аҳлининг ашроф-улуғлари билан дўст тутиндим", яна бир ўринда "ақлли кишилар ва кенгаш соҳиблари, эҳтиёткор, қатъиятли арбоблар, кейинини ўйлаб, олисни кўриб иш юритувчи кекса ва тажрибали кишиларни хос мажлисимга киритиб, уларнинг суҳбатларидан, ишларидан наф олиб, тажрибалар ҳосил қилардим", деб қайд этади. Бу "Куч – адолатда" шиорига амал қилинган буюк салтанатда инсон ва унинг шаъну шавкати олий қадрият сифатида юксак баҳоланганидан далолат беради.

Буюк бобомиз фаолияти, ўгитлари бугун ҳам бизга дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Юртбошимиз раҳнамолигида инсонни улуғлш, барча соҳада адолат тамойилига амал қилиш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг юксак самаралари бунга яққол далилдир. Зеро, Соҳибқирон меросини чуқур ўрганиш, тарғиб қилишдан асосий мақсад ҳам ана шу эзгу ниятлардир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Кексаларни эъзозлаш йили, деб номланган жорий йилда бу борадаги хайрли ишлар янада кенг тус олган. Ҳар бир инсонга, хусусан, ёши улуғ кишиларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, нуруний отахону онахонларни рози қилиб, уларнинг дуою маслаҳатларини олиш ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислохотларда янада ёрқин намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқов Амир Темури монологини, ёш шоир Фахриддин Ҳайит Соҳибқиронга бағишланган шеърини ўқиб берди.

Тадбир қатнашчилари Амир Темури ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов иштирок этди.

Шу кун Темурийлар тарихи давлат музейида "Амир Темури даврида илм-фан ва маданият ривожининг умумбашарий аҳамияти" мавзусида илмий анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирда "Амир Темури – ёш рассомлар нигоҳида" кўрик-танлови ғолиблари тақдирланди. "Шоҳруҳия – Темурийлар даври бунёдкорлиги ёдгорлиги" кўргазмаси ташкил этилди.

Амир Темури таваллудининг 679 йиллигига бағишланган тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятларда бўлиб ўтмоқда.

(ЎЗА)

МАШҲУР ОЛИМ ВА ТАШКИЛОТЧИ

(Давоми. Боши 6-бетда.)

функционал морфология соҳасидаги ютуқларнинг ифодасидир ва бу билан муаллифлар фахрланса арзийди". Шу йўналишда оламшумул кўрсаткич сифатида "эндокрин безларнинг функционал морфологияси" монографияси ҳам мисол бўла олади. Бу илмий иш Чехославакия ва Венгрия олимлари билан ҳамкорликда Брнода нашр этилган.

К.А. Зуфаровнинг долзарб ва чуқур илмий изланишлари доимий равишда МДҲ ва турли давлатларнинг етакчи олимларини ўзига жалб этди. У кўп марта чет давлатларга маъруза ўқишга таклиф этилди, конгресс ва турли анжуманларда маърузалар қилиб, фаол иштирок этди. 1993 йилда К.А. Зуфаров мустақил Ўзбекистон морфологларининг I анжуманини ташкил этди ва унга раислик қилди.

К.А. Зуфаров илмий-педагогик фаолияти билан бирга катта ташкилий ишларни олиб борган. Андижонда гистология кафедрасини ташкил этди ва унинг биринчи мудирини бўлди. Ядро физика институтининг лаборатория ташкил этди ва кўп йил раҳбарлик қилди. 1965 йилдан 1971 йилга қадар ТошДавТИ ректори лавозимида сермахсул ташкилий, илмий, педагогик иш олиб борди, янги (ҳозирги ТТА) тиббиёт институтининг асосчиси бўлиб барча меъёрий ҳужжатларни тасдиқлатди ва қурилиши бошлади. Шиддатли илмий-педагогик потенциал тараққиёти, истеъдодли олимлар, педагоглар тарбияланиши ТошМини илмий, илмий-педагогик мутахассисларни тайёрлаш учун замин масканига айлантирди.

Кенг дунёқараши, катта ташкилотчилик қобилияти К.А. Зуфаровни 1977 йилдан то 1986 йилга қадар Ўзбек Миллий энциклопедиясида раҳбар бўлишига олиб келди. Уларни фаол иштирокларида 14 жилдик ноёб асар – Ўзбекистон энциклопедияси яратилди. К.А. Зуфаровнинг бу меҳнати юқори даражада Республика раҳбарлари ва халқ томонидан баҳоланиб, Беруний номидаги Давлат мукофоти берилди. Миллий энциклопедиянинг бош муҳаррири сифатида "Ўзбекистон

Республикаси", "Тошкент", "Саломатлик" ва бошқа китоблар нашр этилди.

Академик К.А. Зуфаров 1987-1992 йиллари "Фан ва турмуш" журналининг бош муҳаррири бўлиб ишлади ва шу давр ичида мустақил Ўзбекистоннинг тараққиёти ва давлат сифатида шаклланишига оид қадимий алломаларнинг ишларини ва дунёқарашларини тарғиб қилди.

Академик К.А. Зуфаров бизни давлатимизда ноёб морфологик мактабнинг яратувчиси ва устози: уларнинг раҳбарлигида 55 фан доктори ва 180 фан номзоди тайёрланди.

Кўп йиллик самарали меҳнати, аъзолар ва тизимлараро муносабатлар қонуниятларини ўрганишнинг мантиқий самараси 1987 йилда тасдиқланган 332-сонли кашфиёт бўлади: "Ичақдан сўрилган экзоген оксилларнинг буйракда парчаланishi". У дунёдаги барча назарий ва амалий фан соҳаларида ишлаётган олимлар томонидан қабул қилинди ва катта аҳамиятга эга бўлди. Кашфиёт илк ёшдаги болалардаги ички аъзоларнинг тузилиши ва фаолияти ҳақидаги тасавурларни тубдан ўзгартиришга олиб келди ва янги кенг миқёсда олиб бориладиган илмий изланишларга асос солди.

Академик К.А. Зуфаров томонидан 30 дан зиёд монография, 300 дан ортиқ илмий мақола чоп этилган.

Давлатимиз К.А. Зуфаровнинг илмий ва жамоа ишларини юқори баҳолади: 1968 йилда "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби" унвони, бир қатор орден ва медаллар билан мукофотланди.

Устоз К.А.Зуфаровнинг ғоялари ва илмий йўналишлари ҳозирги кунда унинг кўп сонли шогирдлари ва ёш олимлар томонидан давом эттирилмоқда ва кейинги ривожини топмоқда. Устознинг ҳаётини ва ижодий йўли, унинг машҳур олим ва ташкилотчилиги билан бир қаторда ҳақиқий инсонлиги, бугунги кунда тиббиёт фанига қадам қўяётган ёш олимлар учун ўрнак бўлиб хизмат қилади.

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН МОРФОЛОГЛАРИ
ИЛМИЙ ЖАМИЯТИ

АНЪАНАВИЙ "СПОРТ БАЙРАМИ" ТАДБИРЛАРИГА СТАРТ БЕРИЛДИ

Тошкент Тиббиёт академиясида йилдан-йилга анъана тусига кириб бораётган спорт байрами тадбирлари 2015 йил "Кексаларни қадрлаш йили"га бағишлаб ўтказилмоқда.





Тадбирни ўтказиш учун Маънавият ва Маърифат ишлари бўйича проректор, профессор Т.А.Бобомуродов раҳбарлигида ишчи гуруҳи тузилди. Ушбу гуруҳ томонидан профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўртасида ўтказилиб келинаётган спорт тадбирларини 3 босқичда ўтказиш юзасидан "Низом" ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Ушбу Низом асосида ўтказилаётган спорт тадбирларининг биринчи босқичи академия-мизнинг магистратура, бакалаврият талабалари ва академия тасарруфидаги академик лицей ўқувчилари ўртасида 5.04.2015 йилда спортнинг волейбол, стол тенниси, шахмат, минифутбол, бадминтон турлари бўйича ўтказилди. Тасдиқланган Низом бўйича спортнинг ҳар бир тури бўйича жамоаларга ютуқ ва мағлубларга очко белгиланиши таъкидланиб ўтилган. Ушбу Низом асосида талабалар ўртасида ўтказилган спорт мусобақаларида умумжамоа ҳисобида энг юқори 29 очко тўплаган даволаш факультети жамоаси биринчи ўрин, 22 очко тўплаган тиббий профилактика жамоаси иккинчи ўрин, 20 очко билан тиббий педагогика факультети жамоаси учинчи ўринни эгаллашди.

2015 йилнинг 12 апрелига мўлжалланган иккинчи босқичда киритилган мусобақаларда академия профессор-ўқитувчилари ўртасида ўтказилган спорт байрами мусобақаларида умумжамоа ҳисобида 33 очко эга бўлган тиббий профилактика факультети жамоаси биринчи ўринни, 29 очко тўплаган даволаш факультети жамоаси иккинчи ўринни, 27 очко билан тиббий педагогика факультети жамоалари учинчи ўринни банд этишди.

Тиббий профилактика факультети жамоасининг юқори ўринни эгаллашларида факультет декани, т.ф.д., профессор Ф.У. Саламова жонбозлик кўрсатди. Улар ўзлари билан жамоани юқори чўққиларни эгаллашлари учун волейбол мусобақасида ўзлари иштирок этдилар, улар қатори факультетимизнинг кекса ўқитувчилари Биофизика кафедрасининг доценти И.М. Муллажонов шахматдан биринчи ўрин, Эпидемиология кафедрасининг доценти А.В. Юлдошев шахматдан биринчи ўрин, Микробиология кафедрасининг доценти Ш. Алиев волейболдан биринчи ўринни эгалладилар ва ёшларга ўрнак кўрсатдилар.

Д.А. АКРОМОВ,
Тиббий профилактика факультети доценти



МАШҲУР ОЛИМ ВА ТАШКИЛОТЧИ

Комилжон Аҳмаджонович Зуфаров
таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан

Республикамиз олимлари бу йил Комилжон Аҳмаджонович Зуфаровнинг 90 йиллигини нишонлайди. К.А. Зуфаров – дунёга машҳур морфолог, ЎзФА академиги, Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, Абу Райҳон Беруний номидаги давлат мукофоти лауреати, Чехиянинг Я. Пуркинъе номидаги тиббиёт ходимлари жамияти ва Болгария анатом, гистолог ва эмбриологлар жамиятларининг фахрий аъзоси. У давлатимизда энг йирик морфологлар мактабининг асосчиси, Республикада биринчи бўлиб электрон микроскопия ва бошқа замонавий цитологик, функционал илмий изланишларни самарали тadbик этган буюк олимдир.



каторига бензонанли монооксигеназ тизимига таъсир этиши молекуляр асосининг ёритилиши, ички касалликлар амалиётига кенг тadbик этилиши ва турли аъзоларнинг хасталанишларининг даволаниши киради.

К.А. Зуфаров турли ички аъзоларнинг функционал морфологиясини ўрганиб улар ва тизимлар орасидаги муносабатларга катта аҳамият берган. Шунинг асосида турли структур даражаларда (молекуляр, ҳужайра, тўқима, аъзо) мослашув ва компенсациянинг қонуниятларини аниқлашга эришган.

К.А. Зуфаров биринчи бўлиб электрон микроскопияни илмий изланишга кенг жалб этган ва дунёда ilk бор аъзолар ва тўқималар электрон микроскопик атласини яратган. Бу катта ютуқга машҳур академиклар Д.С.Саркисов, Ю.М.Лопухин, Ю.В.Наточин (Россия), Р.Барнет, Дж.Родин (Америка), В.Бернардлар (Франция) юқори баҳо беришган.

1983 йилда К.А. Зуфаров Болгария ва Чехословакия олимлари билан ҳамкорликда “Аъзолар ва тўқималар тизимларининг ультраструктур асослари” монографиясини нашр этади. Ушбу китоб ҳақида йирик олим Кирше (Германия) шундай деган: “Ушбу китоб электрон микроскопия ва

Давоми 7-бетда.

оиласида дунёга келди. К.А. Зуфаровнинг ҳаёт йўли – оддий аскардан то академиккача – Ватанга, халққа чексиз хизмат қилиш намунасидир. У 1942 йилда ТошМИнинг даволash факультетига киради, аммо шу йилнинг ўзидаёқ урушга кетади. 2 Украина fronti таркибиди Кавказ, Украина, Молдавия, Руминия шаҳарларини фашистлардан озод қилишда қатнашди. Ҳалабадан сўнг К.А. Зуфаров яна Тошкент тиббиёт институтида ўқишни давом эттирди. Келгуси илмий, илмий-педагогик, ижодий ҳавэти асосан ушбу институт (ҳозирги Тошкент Тиббиёт академияси) билан боғлиқ бўлиб қолди.

1951 йилда муваффақиятли институтни битиргач, К.А. Зуфаров аспирантурада ўқийди ва уни 1954 йилда битириб номзодлик диссертациясини ёқлайди. Шу йилнинг ўзида Андижон тиббиёт институтини ташкил этишда иштирок этади ва гистология кафедрасига мудар бўлади (1955-1957). Ўлка тиббиёти (1957-1961), ядро физика (1961-1965) илмий текшириш институтларида лабораториялар ташкил этади.

Ўзбекистонда ўша йилларда биринчи ядро реактори ишга туширилиши билан К.А. Зуфаров томонидан аъзоларнинг нурли шикастланиши билан боғлиқ фундаментал изланишлар бошланди ва улар “Буйрак усти бези”, “Нейро-эндокрин

тизим” монографияларида ўз аксини топди.

Истиқболли, долзарб янги йўналишни сеза оладиган К.А. Зуфаров ўзининг илмий ташкилий фаолияти даврида атрофига илмга чанқоқ, фидоий шогирдларни тўплади, уларни порлоқ илмий йўналишларни танлашда сидқидилдан ёрдам берди.

1962-1977 йилларда К.А. Зуфаров ТошМИда гистология кафедрасига, 1966 йилдан то ҳаётининг сўнгги дақиқаларигача – муаммоли клиника-экспериментал биофизика лабораториясига мудар бўлди. Нисбатан қисқа вақт ичида ўз атрофида институтнинг етакчи олимларини тўплаб, ёш илмий педагогик кадрларни тарбиялаб етиштиришга алоҳида эътибор қаратди. Унинг ТошМИ ректори лавозимида ишлаган даврларида (1962-1971 йй.) институтда фанга, илмий изланишларга ва маҳаллий аҳолидан етук мутахассисларни тайёрлашга муносабат тубдан ўзгарди.

К.А. Зуфаров биринчи бўлиб секреция, филтрация ва сўрилиш жараёнлари механизмларининг структур асосларини ёритиб берди; даволовчи шифокорлар билан биргаликда меъда ва 12 бармоқли ичак ярасини даволашда янги услубларни яратди ва бир қатор оғир асоратларнинг олдини олишга эришди. Бу ютуқлар шу кунларда ҳам кенг қўлланилапти. Муҳим ва самарали изланишлар

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИНING АНЪАНАВИЙ ТҮРТИНЧИ “ONLY ENGLISH” КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Хабарингиз борки, Тошкент Тиббиёт академиясида ҳар йили ёш олимлар кунлари ўтказилади. Анъанага кўра ёш олимлар кунларини биринчи кунни ёш педагоглар, магистрлар, талабалар ўртасида “Тиббиётнинг долзарб муаммолари” мавзусида фақат инглиз тилида “ONLY ENGLISH” конференцияси ўтказилади.

Ушбу ўқув йилида ҳам конференция ўз ишини ўқув йилини бошидан яъни сентябрь ойдан бошлаган. Ёш олимлардан 500дан ортиқ тезислар қабул қилинди, 2015 йил январь – февраль ойларида улар сараланди. Март ойи давомида 40 иқтидорли маърузачилар танлаб олинди.

2015 йил 9 апрель куни пойтахтимизнинг марказида жойлашган “Tashkent international hotel” меҳмонхонасининг Амир Темур залида конференция бўлиб ўтди. Конференцияда 19 та оғзаки ва 18 постер маърузалари қилинди. Шунинг таъкидлаб ўтиш жоизки, бу йил маъруза қилиш истагини билдириб мурожаат қилган ёшлар орасида талабалар кўпчиликини ташкил қилди. Ўтган йилга нисбатан бу йил маъруза билан иштирок этадиган иқтидорли талабаларнинг сони 2 баробар ортди. Маърузаларни сифати анча юқори бўлди. Конференцияга бутун дунё соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги вакили Асмус Хаммерих, соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Л.Н.Тўйчиев, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги инновацион марказ директори А.Т.Ирискулов, Тошкент Давлат стоматология институти ректори Н.Л.Хабиллов ва бошқа ташкилотлардан меҳмонлар иштирок этишди.

Конференцияда Тошкент Тиббиёт академиясининг барча кафедралар мударлари, профессор-ўқитувчилар, 500 дан ортиқ ёш олимлар ва магистр талабалар иштирок этишди. Ҳар бир маърузачилар саволларга аниқ, лўнда жавоблар беришди.

Маърузаларни сифатини баҳолаш учун Тиббиёт академиясининг профессор-ўқитувчиларидан профессор И.А.Каримжонов ва Б.Т.Холматовалар ҳамда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент Давлат стоматология институти мутахассислари иштирокидаги ҳайъат аъзолари иш олиб боришди. Конференция сўнгги оғзаки ва постер маърузачиларга совғалар ва сертификатлар берилди. Конференция материаллари оммавий ахборот воситалари орқали матбуотда ёритилди.

Ш.А.БОЙМУРАДОВ,

ТТА илмий ишлар проректори, т.ф.д., профессор

КЕКСАЛАРИМИЗ ДОИМ ЭЪЗОЗДА!

Ўзбек халқининг азалдан қон-қонига сингиб кетган бутун дунёнинг олқишига сазовор бўлган ўлмас кадрларидан бири, бу кексаларни эъзозлаш, кадрлашдир.

Ушбу хайрли ишларни Юртбошимиз томонидан янада кенг қўламада олиб бориш мақсадида 2015 йилни “Кексаларни эъзозлаш йили” деб эълон қилинди. Бу эса ёши улғу ватандошларимизга бўлган эътиборни янада кенгроқ доирада олиб боришимизга ундади. Ушбу хайрли ишларга Тошкент Тиббиёт академиясининг Микробиология, вирусология ва иммунология кафедраси профессор-ўқитувчилари ҳам ўз ҳиссаларини қўшишмоқда, яъни бир неча йиллардан бери Тошкент шаҳар Олмасор тумани Қорақамиш даҳасида жойлашган “Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати” билан ҳамкорлик қилмоқдалар.

Муассаса 1976 йилда ташкил этилган бўлиб, ногирон, уруш ветеранларини парвариш қилиш учун мўлжалланган. Шу муносабат билан талабаларда қарияларга бўлган ҳурмат, эътиборни ошириш мақсадида шу ерга ташриф буюрдик. Бу ерда жами 125 нафар қария бўлиб, улардан 68 нафари аёллар, 57 нафари эркеклар, улардан 22 таси эса уруш ветеранларидир. Қарияларнинг асосий қисми ногиронлар бўлиб, улар учун алоҳида хоналар ташкил қилинган, уларда музлаткич, телевизор, ванна, сан.узел ташкил

қилинган. Кафедралар ходимлари 2015 йил 23 февраль, 2 март кунлари талабалар билан биргаликда шу пансионатга ташриф буюришди. Ташриф давомида ўқитувчи-талабалар қизиқарли суҳбат ўтказиб, кекса ва ногирон қарияларга бир олам завқ улашишга ҳаракат қилишди. Сўнгра 3,5 гектарлик боғ майдонида ободонлаштириш ишларини олиб боришди.

Ушбу ташриф юзасидан “Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати” директори Т.У.Эшиев миннатдорчилик билдириб, кафедра ходимларига ва тadbирда фаол иштирок этган мураббий ва талабаларга ташаккурнома ёзиб топширди. Сўнгра илиқ фикрларини биз билан яқиндан ўртоқлашди: юртимизда олиб борилаётган хайрли ишларни санаб санабига етиб бўлмайди, бунда пансионатимиздаги барча қария ва кекса ногиронларимиз хайрли ишлардан жуда хурсанд бўлишмоқда, айниқса Тошкент Тиббиёт академияси Микробиология кафедраси ходимлари ва талабалари олиб бораётган хайрли ишлари алоҳида таҳсинга лойиқдир. Уларнинг пансионатимизда ўтказган давралар суҳбатлари ва хашарлари, яъни ерларни чопиб олма кўчатларини олиб келиб экишгани барчамизни хурсанд қилди.




Хайрли ишларни давоми сифатида Микробиология, вирусология ва иммунология кафедраси ходимлари бир неча йиллар аввал ушбу кафедраларда ўз фаолиятини олиб



бориб, ҳозирда эса нафақада кексалик наҳидасини сураётган бир неча ходимларнинг жумладан, Ҳакимова Матлуба Солиховна, Содикова Муҳаббат Набиеваларнинг хонадонларига ташриф буюриб, саломатликларидан хабар олинди. Бир пиёла чай устида ходимларимизнинг яқин қариндошлари даврасида ўтган йиллар давомида бўлиб ўтган қизиқарли воқеа-ҳодисалар эса олинди. Эсдалик учун олиб борилган совғалар уларни жуда хурсанд қилди.

“Кичикларга иззатда, катталарга ҳурматда” бўлишга одатланган меҳрибон халқимизнинг ёши улғу инсонларга нисбатан алоҳида эҳтироми, уларга бўлган муҳаббати, чексиз меҳри азалий одоб ахлоқ белгисидир. Шу йил муносабати билан қарияларнинг бепул тиббий кўриқдан ўтказилиши, улар учун бир қанча имтиёзларнинг жорий қилиниши, Ўзбекистонда ёши улғу инсонлар доимо эътибор ва эҳтиромда эканликларини яна бир қарра исботидир.

З.НУРУЗОВА,
ТТА Микробиология кафедраси мудири, профессор
Н.МИРВАЛИЕВА,
Н.ЁДГОРОВА,
кафедралар ассистентлари



Мазкур ўқув йили кузги семестр натижалари таҳлил қилинди, бакалаврият ва магистратура талабаларининг ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичлари олдинги йиллардан деярли катта фарқ қилгани йўқ. Бироқ шунга қарамаздан ушбу семестрда фанларни ўзлаштирилиши факультетлар ва курслар, гуруҳлар кесимида қаралганда ўзгаришлар мавжуд.

Ушбу семестрда талабаларнинг фанларни ўзлаштирилиши яхшилаш, сифат кўрсаткичи паст бўлган фанларда уни кўтариш ва асоссиз равишда юқори сифат кўрсаткичига эга бўлган фанларга эътиборни кучайтириш, ўқув жараёнига ахборот ва коммуникацион технологияларни кенг татбиқ этиш, инглиз тили ва янги педагогик технологияларни жорий этишга эътибор берилди.

– Семестр давомида ТТА профессор – ўқитувчилари томонидан чоп этилган 12 турдаги янги дарсликлар харид қилинди;

Барча фанлар бўйича Силлабус ва электрон таълим дастурлари тайёрланди, аксарият фанлар бўйича электрон таълим тизими босқичма-босқич ўқув жараёнига татбиқ этилмоқда;

ТТА сайтыда видео портал, электрон ҳужжат алмашинуви ва бошқа қулайликлар яратилди;

Таълимда инглиз тилини кенг татбиқ этиш ва таълим сифатини

ошириш мақсадида интеграл маърузалар ташкил этилди.

Ўтган семестрда Тошкент Давлат стоматология институтининг ташкил этилиши ва бош ўқув биносининг капитал таъмирлашда бўлганлиги ўқув жараёнига сифатли ташкил этилишига ўз таъсирини кўрсатди, бироқ шунга қарамаздан академия бўйича ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичи олдинги ўқув йилига нисбатан юқори бўлди.

Семестр натижалари таҳлил қилинганда умумий ижобий ўзгаришлар билан бирга айрим фанлар ва курсларда умумий кўрсаткичдан паст натижалар кузатилди.

2014-2015 ўқув йили кузги семестрида академиямизда бакалаврият таълим йўналишларида 3491 талаба таҳсил олган. Факультетлар кесимида биринчи киришда ўзлаштириш (жадвал 1) кўрсаткичини кўрадиган бўлсак – даволаш факультети бўйича –70,1%, тиббий педагогика факультети –71,2%, тиббий профилактика факультетида –73,5%, ОМХ факультетида –76,4% ва ҳарбий тиббий факультетда 66,6%ни ташкил этди. Сифат кўрсаткичлари даволаш факультетида –38,3%; тиббий педагогика факультетида –38,1%, тиббий профилактика факультетида

–36,0%; ОМХ факультетида-46,4% ва ҳарбий тиббий факультетда 34,4%дан иборат бўлди. Академия бўйича биринчи киришда ўзлаштириш кўрсаткичи 72,1%ни сифат кўрсаткичи эса –37,4%ни ташкил этди.

Рейтинг Низоми талабларига асосан қайта топширишлардан сўнг ўзлаштириш кўрсаткичи даволаш факультетида 99,7%ни, тиббий педагогика факультетида 99,3%, тиббий профилактика факультетида 99,7%, ОМХ факультетида 100% ва ҳарбий тиббий факультетда ҳам 100%ни ташкил этди.

Фанларни ўзлаштирилмаганлиги сабабли талабалар сафидан чиқарилган

римиз билим даражаси биз кутгандан паст эканлигидан далолат беради.

Шу билан бирга айрим фанлар бўйича сифат кўрсаткичларининг юқорилиги ҳақиқатга тўғри келмайди. Даволаш факультетида: 6 курсда аллергия, кўз касалликлари, неврология фанларидан, 5 курсда гинекология ва клиник фармакология фанлари, 4 курсда эса шифобахш жисмоний тарбия, шифокор назорати фанлари; Тиббий педагогика факультетга қарашли 3 курсда умумий хирургия, гигиена, экология фанларидан, 7 курсда Шошилич ҳолатлар, валеология, демократик жамият қуриш назарияси каби фанлардан 90%дан юқори сифат кўрсаткичи аниқланди. Худди шундай кўрсаткичлар тиббий педагогика факультетга қарашли 6-курсда ва Олий маълумотли ҳамширалар тайёрлаш факультетга қарашли 2-3 курсларида ҳам кузатилган.

Таҳлиллар кўрсатишича айрим фанлардан талабалар ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичларининг асоссиз равишда кўтарилиши сабаблари куйидагилардан иборат:

Айрим кафедрада

талабалар ўзлаштириши муҳомада қилинмаслиги ва эътиборсизликка йўл қўйилиши;

Педагоглар томонидан талабнинг пастлиги;

Тест саволлари янгиланмаган ва сони талаб даражасидан кам эканлиги;

Оралик ва якуний назоратларда ОСКИ станцияларининг камлиги ва баҳолаш мезонларининг ишлаб чиқилмаганлиги.

Юқоридаги камчиликларни бартараф этиш ва янги ўқув йилида таълим сифатини ошириш, ўқув жараёнига намунали ташкил этиш, унда педагогик ва ахборот коммуникацион технологияларни кенг жорий этиш мақсадида куйидаги ишларни амалга ошириш режалаштирилган.

Профессор-ўқитувчиларнинг педагогик ва касбий маҳоратини ошириш;

Таълимда янги педагогик технологияларни кенг татбиқ этиш (электрон модуль тизими);

Ахборот-коммуникацион технологияларни кенг жорий этиш;

Инглиз тилига эътиборни кучайтириш ва уни ўқув жараёнидаги улушини кескин ошириш.

Давоми 5-бетда.

О.ТЕШАЕВ,



Ўқув ишлари бўйича проректор

2014-2015 Ўқув йили кузги семестр натижалари таҳлили

талабалар сони академия бўйича 12 кишини ташкил этди, бу эса олдинги ўқув йилига нисбатан 60% га камайган, фақат 1та талаба биринчи курсни якунламаздан талабалар сафидан четлатилди.

Академияда баҳолаш мезонлари такомиллаштирилган ва талабалар билимини объектив баҳолаш бўйича кўпчилик кафедраларда яхши натижаларга эришилмоқда. Бироқ шу билан бирга айрим кафедраларда талабалар билимини баҳолаш талаб даражасида эмас. Баҳолаш турлари орасидаги фарқ ва номувофиқликлар ҳалигача учраб турмоқда Мисол учун даволаш факультети 7-курс талабаларининг УАШ педиатрия, Жамоат саломатлиги, врач ҳуқуқи ва 3-курс талабаларининг патологик анатомия фанларидан тест синовлари ва ОСКИ ўртасидаги фарқ 11,0 баллдан 17,7 баллгача эканлиги маълум. Худди шундай ҳолатлар бошқа факультет ва курсларда ҳам учраб туради.

Ушбу ўқув йилида иккинчи киришдан сўнг ўзлаштириш кўрсаткичи жуда паст бўлган фанлар бўлмаган, бироқ биринчи киришда кўпчилик фанлардан ўзлаштириш паст бўлган. Айниқса баҳолаш мезонлари талаб даражасида бўлган фанларда биринчи киришда ўзлаштириш паст бўлган. Бу ҳолат ҳозирги кунда бизнинг талабала-



(Давоми. Боши 5-бетда.)

Профессор-ўқитувчиларнинг педагогик ва касбий маҳоратини ошириш йўллари турлича:

Чет эл грантларини ютиш ва нуфузли университетларда малака ошириш;

Малака ошириш тармоқ марказида малака ошириш;

Истеъдод жамғармаси қошидаги марказда малака ошириш;

Ўз ихтисослиги бўйича тегишли ташкилотларда касбий малакасини ошириш;

Узлуксиз малака оширишни амалда қўллаш (ўз устида мустақил ишлаш).

Таълимда янги педагогик технологияларни кенг татбиқ этиш

(электрон модуль тизими) бўйича эса куйидагиларни тақриф этамиз:

Муаммоларга асосланган ўқитиш, кейс технологияси, лойиҳалаштириш ва интерактив ўқитиш усулларини ўзлаштириш ва ўқув жараёнига татбиқ этиш;

Ҳар бир педагог ўз партфолиосинини яратиши;

Электрон модуль тизимини амалда қўллаш ва такомиллаштириш

Ахборот-коммуникацион технологияларини кенг жорий этиш — куйидаги

вазифалар олдимизда турибди:

Кафедрада ахборот тизимини яратиш;

Ўқув жараёнининг барча босқичларини (амалий машғулот, лаборатория иши, маъруза, малакавий амалиёт, семинарларни

ахборот – коммуникацион технологияларини кенг қўллаган ҳолда ташкил этиш;

Ҳар бир педагог электрон таълим тизимига ўз ҳиссасини қўиши ва уни қўллашига эришиш.

2014-2015 Ўқув йили кузги семестр натижалари таҳлили

Инглиз тилига эътиборни кучайтириш ва уни ўқув жараёнидаги улушини кескин ошириш йўлидаги вазфаларимиз куйидагилардан иборат:

1. Профессор-ўқитувчиларнинг инглиз тили саводхонлигини ошириш йўллари:

Академияда ташкил этилган ўқув курсларида қатнашиш;

Ўқув марказларида репититорлар билан шуғулланиш;

Чет элда малака ошириш; Республикамиз университетлари

қошида ташкил этилган қайта тайёрлов курсларида ўқиш;

Мустақил ўз устида ишлаш, танловларда иштирок этиш.

II. Ўқув жараёнига инглиз тилининг улушини ошириш.

Барча маърузаларнинг 30% инглиз тилида ўқилишини таъминлаш;

Янги ўқув йилидан барча маърузачилар инглиз тилида маъруза ўқишлари шарт;

Амалий машғулотларга инглиз тилини кенг татбиқ этиш;

Инглиз тилидаги ўқув материалларини қайта кўриб чиқиш ва янгилаш;

Маъруза матнлари ва презентацияларини қайта тузиш ва сайтга

жойлаштириш.

Инглиз тилида интеграл маърузалар ташкил этишни такомиллаштириш, унинг янги услубларини жорий этиш;


Инглиз тилида мастер-класс ва семинарлар ташкил этиш;

Фан бўйича тўғарақларни инглиз тилида ташкил этиш;

ОСКИ ва амалий кўникмаларни инглиз тилида ўтказилишини ташкил этиш;

Беморлар кўрацияси, аудит ва консилиумларни инглиз тилида ташкил этиш.

Янги наشرлар



A. G. Gadayev, M. Sh. Karimov, X. S. Axmedov

ICHKI KASALLIKLAR PROPEDEVTIKASI

Мухтарам ўқувчилар,

“Мухаррир” нашриёти профессорлар А. Г. Гадаев, М. Ш. Каримов ва доцент Х. С. Аҳмедовлар томонидан лотин алифбосида тайёрланган “Ички касалликлар пропедевтикаси” дарслигини нашрдан чиқарди. Мазкур китоб ички касалликлар пропедевтикаси фани ўқув режасига мос равишда ёзилган ва даволаш ҳамда тиббий педагогика факультетларининг III курс талабаларига мўлжалланган. Шу билан бир қаторда, у

анъанавий ёзилган қўлланмалардан бир мунча фарқ қилади.

Дарсликда ички касалликлар пропедевтикаси фанининг негизини ташкил этувчи беморларни объектив текшириш кўникмаларини бажариш рангли тасвирларда кўрсатилган ва жадваллар кўринишида келтирилган. Бундай ёндошиш талабаларни амалий кўникмаларни мукамал эгаллаш имкониятларини янада кенгайтиради. Шунингдек, китобда кенг тарқалган касалликлар ва замонавий асбобий текширишлар тўғрисида ҳам III курс талабалари ўзлаштириши лозим бўлган даражада ахборотлар берилган. Буларнинг барчаси қўлланма илк бора клиникага қадам қўйган бўлғуси шифокорларнинг яқин ёрдамчисига айланади, дейишга асос бўлади.

Китоб Тошкент Тиббиёт академияси илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 484-буйруғига асосан тиббиёт институтларининг Даволаш иши ва Касб таълими даволаш иши йўналишлари талабалари учун дарслик сифатида тасдиқланган.

Шунингдек, “Мухаррир” нашриёти профессор А. Г. Гадаев ва доцент Х. С. Аҳмедовлар томонидан лотин алифбосида тайёрланган “Умумий амалиёт врачлари учун амалий кўникмалар тўплами” қўлланмасини нашрдан чиқарди. Мазкур қўлланма анъанавий китоблардан бир мунча фарқ қилиб, унда амалий кўникмаларни бажариш рангли тасвирларда кўрсатилган ва жадваллар кўринишида келтирилган.

Жадваллар учта устундан иборат бўлиб, биринчисида ҳаракатлар кетма-кетлиги, иккинчисида қутилаётган натижалар ва учинчисида эҳтимолий сабаблар баён этилган. “Қутилаётган натижалар” устуни мазкур қадам ёки ҳаракатни бажаришда нормал ёки патологик жараённи кўриш ёки ҳис қилиш мумкин бўлган ҳолатни аниқлатади. Эҳтимолий сабаблар устунида эса кўрилган ёки ҳис қилинган ҳолатга олиб келиши мумкин бўлган касалликлар келтирилган. Юқори курс талабалари ва умумий амалиёт врачлари эгаллашлари лозим бўлган амалий кўникмаларни бу тартибда баён қилиш уларни ўзлаштиришини энгиллаштирилади.

Қўлланма Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фан ва ўқув юртлари бош бошқармаси, Тошкент Тиббиёт академияси илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 484-буйруғига асосан тиббиёт институтларининг Даволаш иши ва Касб таълими даволаш иши йўналишлари VI – VII курс талабалари учун дарслик сифатида тасдиқланган. Шунингдек, мазкур китобдан амалиётда ишлаётган умумий амалиёт врачлари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Жадваллар учта устундан иборат бўлиб, биринчисида ҳаракатлар кетма-кетлиги, иккинчисида қутилаётган натижалар ва учинчисида эҳтимолий сабаблар баён этилган. “Қутилаётган натижалар” устуни мазкур қадам ёки ҳаракатни бажаришда нормал ёки патологик жараённи кўриш ёки ҳис қилиш мумкин бўлган ҳолатни аниқлатади. Эҳтимолий сабаблар устунида эса кўрилган ёки ҳис қилинган ҳолатга олиб келиши мумкин бўлган касалликлар келтирилган. Юқори курс талабалари ва умумий амалиёт врачлари эгаллашлари лозим бўлган амалий кўникмаларни бу тартибда баён қилиш уларни ўзлаштиришини энгиллаштирилади.

Қўлланма Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фан ва ўқув юртлари бош бошқармаси, Тошкент Тиббиёт академияси илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 484-буйруғига асосан тиббиёт институтларининг Даволаш иши ва Касб таълими даволаш иши йўналишлари талабалари учун дарслик сифатида тасдиқланган.

Жадваллар учта устундан иборат бўлиб, биринчисида ҳаракатлар кетма-кетлиги, иккинчисида қутилаётган натижалар ва учинчисида эҳтимолий сабаблар баён этилган. “Қутилаётган натижалар” устуни мазкур қадам ёки ҳаракатни бажаришда нормал ёки патологик жараённи кўриш ёки ҳис қилиш мумкин бўлган ҳолатни аниқлатади. Эҳтимолий сабаблар устунида эса кўрилган ёки ҳис қилинган ҳолатга олиб келиши мумкин бўлган касалликлар келтирилган. Юқори курс талабалари ва умумий амалиёт врачлари эгаллашлари лозим бўлган амалий кўникмаларни бу тартибда баён қилиш уларни ўзлаштиришини энгиллаштирилади.

Қўлланма Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фан ва ўқув юртлари бош бошқармаси, Тошкент Тиббиёт академияси илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 484-буйруғига асосан тиббиёт институтларининг Даволаш иши ва Касб таълими даволаш иши йўналишлари талабалари учун дарслик сифатида тасдиқланган.

Жадваллар учта устундан иборат бўлиб, биринчисида ҳаракатлар кетма-кетлиги, иккинчисида қутилаётган натижалар ва учинчисида эҳтимолий сабаблар баён этилган. “Қутилаётган натижалар” устуни мазкур қадам ёки ҳаракатни бажаришда нормал ёки патологик жараённи кўриш ёки ҳис қилиш мумкин бўлган ҳолатни аниқлатади. Эҳтимолий сабаблар устунида эса кўрилган ёки ҳис қилинган ҳолатга олиб келиши мумкин бўлган касалликлар келтирилган. Юқори курс талабалари ва умумий амалиёт врачлари эгаллашлари лозим бўлган амалий кўникмаларни бу тартибда баён қилиш уларни ўзлаштиришини энгиллаштирилади.

Қўлланма Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фан ва ўқув юртлари бош бошқармаси, Тошкент Тиббиёт академияси илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 484-буйруғига асосан тиббиёт институтларининг Даволаш иши ва Касб таълими даволаш иши йўналишлари талабалари учун дарслик сифатида тасдиқланган.

Жадваллар учта устундан иборат бўлиб, биринчисида ҳаракатлар кетма-кетлиги, иккинчисида қутилаётган натижалар ва учинчисида эҳтимолий сабаблар баён этилган. “Қутилаётган натижалар” устуни мазкур қадам ёки ҳаракатни бажаришда нормал ёки патологик жараённи кўриш ёки ҳис қилиш мумкин бўлган ҳолатни аниқлатади. Эҳтимолий сабаблар устунида эса кўрилган ёки ҳис қилинган ҳолатга олиб келиши мумкин бўлган касалликлар келтирилган. Юқори курс талабалари ва умумий амалиёт врачлари эгаллашлари лозим бўлган амалий кўникмаларни бу тартибда баён қилиш уларни ўзлаштиришини энгиллаштирилади.

Қўлланма Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фан ва ўқув юртлари бош бошқармаси, Тошкент Тиббиёт академияси илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 484-буйруғига асосан тиббиёт институтларининг Даволаш иши ва Касб таълими даволаш иши йўналишлари талабалари учун дарслик сифатида тасдиқланган.

Жадваллар учта устундан иборат бўлиб, биринчисида ҳаракатлар кетма-кетлиги, иккинчисида қутилаётган натижалар ва учинчисида эҳтимолий сабаблар баён этилган. “Қутилаётган натижалар” устуни мазкур қадам ёки ҳаракатни бажаришда нормал ёки патологик жараённи кўриш ёки ҳис қилиш мумкин бўлган ҳолатни аниқлатади. Эҳтимолий сабаблар устунида эса кўрилган ёки ҳис қилинган ҳолатга олиб келиши мумкин бўлган касалликлар келтирилган. Юқори курс талабалари ва умумий амалиёт врачлари эгаллашлари лозим бўлган амалий кўникмаларни бу тартибда баён қилиш уларни ўзлаштиришини энгиллаштирилади.

Қўлланма Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фан ва ўқув юртлари бош бошқармаси, Тошкент Тиббиёт академияси илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 484-буйруғига асосан тиббиёт институтларининг Даволаш иши ва Касб таълими даволаш иши йўналишлари талабалари учун дарслик сифатида тасдиқланган.

Жадваллар учта устундан иборат бўлиб, биринчисида ҳаракатлар кетма-кетлиги, иккинчисида қутилаётган натижалар ва учинчисида эҳтимолий сабаблар баён этилган. “Қутилаётган натижалар” устуни мазкур қадам ёки ҳаракатни бажаришда нормал ёки патологик жараённи кўриш ёки ҳис қилиш мумкин бўлган ҳолатни аниқлатади. Эҳтимолий сабаблар устунида эса кўрилган ёки ҳис қилинган ҳолатга олиб келиши мумкин бўлган касалликлар келтирилган. Юқори курс талабалари ва умумий амалиёт врачлари эгаллашлари лозим бўлган амалий кўникмаларни бу тартибда баён қилиш уларни ўзлаштиришини энгиллаштирилади.


Қўлланма Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фан ва ўқув юртлари бош бошқармаси, Тошкент Тиббиёт академияси илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 484-буйруғига асосан тиббиёт институтларининг Даволаш иши ва Касб таълими даволаш иши йўналишлари талабалари учун дарслик сифатида тасдиқланган.

Жадваллар учта устундан иборат бўлиб, биринчисида ҳаракатлар кетма-кетлиги, иккинчисида қутилаётган натижалар ва учинчисида эҳтимолий сабаблар баён этилган. “Қутилаётган натижалар” устуни мазкур қадам ёки ҳаракатни бажаришда нормал ёки патологик жараённи кўриш ёки ҳис қилиш мумкин бўлган ҳолатни аниқлатади. Эҳтимолий сабаблар устунида эса кўрилган ёки ҳис қилинган ҳолатга олиб келиши мумкин бўлган касалликлар келтирилган. Юқори курс талабалари ва умумий амалиёт врачлари эгаллашлари лозим бўлган амалий кўникмаларни бу тартибда баён қилиш уларни ўзлаштиришини энгиллаштирилади.

Қўлланма Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фан ва ўқув юртлари бош бошқармаси, Тошкент Тиббиёт академияси илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 484-буйруғига асосан тиббиёт институтларининг Даволаш иши ва Касб таълими даволаш иши йўналишлари талабалари учун дарслик сифатида тасдиқланган.

Жадваллар учта устундан иборат бўлиб, биринчисида ҳаракатлар кетма-кетлиги, иккинчисида қутилаётган натижалар ва учинчисида эҳтимолий сабаблар баён этилган. “Қутилаётган натижалар” устуни мазкур қадам ёки ҳаракатни бажаришда нормал ёки патологик жараённи кўриш ёки ҳис қилиш мумкин бўлган ҳолатни аниқлатади. Эҳтимолий сабаблар устунида эса кўрилган ёки ҳис қилинган ҳолатга олиб келиши мумкин бўлган касалликлар келтирилган. Юқори курс талабалари ва умумий амалиёт врачлари эгаллашлари лозим бўлган амалий кўникмаларни бу тартибда баён қилиш уларни ўзлаштиришини энгиллаштирилади.

Қўлланма Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фан ва ўқув юртлари бош бошқармаси, Тошкент Тиббиёт академияси илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 484-буйруғига асосан тиббиёт институтларининг Даволаш иши ва Касб таълими даволаш иши йўналишлари талабалари учун дарслик сифатида тасдиқланган.



Abdullatif GADAYEV, Xolmurod AXMEDOV

UMUMIY AMALIYOT VRACHLARI UCHUN AMALIY KO'NIKMALAR TO'PLAMI

Умумий амалиёт врачлари учун амалий кўник